

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим Вазирлиги

М.Улуғбек номидаги
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

«Архитектура» факультети

«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)нинг
ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: Самарқанд шаҳри учун хайвонот
богини лойиҳалаш

Дипломант: Ибрагимова Наргиза
Раҳбар: Е.М Мухаммадиув
Маслаҳатчи: Г.Салоҳиддинов
«Ландшафт дизайни ва интерьер»
кафедраси мудири: Ш.Х Тугизов

Samarqand-2014

Мундарижа

1. Кириш
2. Архитектуравий режалаштириш қисми.....
3. Бадий қисми.....
4. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисм.....
- 5.Экология қисми.....
6. . Хулоса.....
7. Адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

Меъморчилик аждодларимиз томонидан қайта - қайта сайқал топиб, бойитилиб бизгача етиб келган ва жуда катта кадр -қиммат топиб келаётган ноёб амалий санъат тури ҳисобланади. Ўрта Осиё меъморчилиги қадим замонларданок дунё маданий тараққиётида салоҳиятли ўрин тутиб келганлиги қадим Самарқанд, Бухоро, Хива тарихий обидалари мисолида намоён бўлиб турибди. Аини пайтда замонавий шаҳарсозлигимиз ва меъморчилигимиз ҳам дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бунинг боиси шундаки, замонавий меъморчилигимиз ўзининг теран томирларидан қувват олган ҳолда изчил ривожланмоқда ва тобора такомиллашиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бутун Ўзбекистонимизда қад ростлаган кўплаб замонавий иншоотларда ота-боболаримизнинг меъморчилик касбига муносабатимиз, меҳр-у садоқатимиз, ихлос ва эътиқодимиз мужассам бўлиб яққол кўриниб турибди.

Хозирги даврда жамиятни демократлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижасида ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик уйғунлашиб, жамоатчиликнинг экологик муаммоларга бўлган қизиқиши ва қайгуриши ортиб бормоқда. Улар аҳоли орасида экологик тафаккурни шакллантириш, ҳамда ёввойи табиатни сақлаб қолиш борасида давлат муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар.

Фауна соҳасида махсус ваколатли амалга оширадиган ва назоратли олиб борадиган органлар бу-Ўзбекистон Республикаси-нинг «Хайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тугрисида»ги қонунига қура, хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси хайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда махсус ваколатли орган сифатида фаолият олиб боради. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қумитаси ҳузурида махсус орган борки ушбу орган хайвонот оламининг муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланишнинг ҳажмларини ҳисобга олинишини амалга оширади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қумитаси кадастр хизмати республика даражасида: хайвонот дунёсининг давлат кадастри юритилишини мувофиқлаштиради; меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади; кадастр юритилиши устидан назорат қилади.

Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат тизими қуйидаги таркиблардан иборат:1) Идоравий назорат; 2) Ишлаб чиқариш назорати; 3) Жамоатчилик назорати.

Ёввойи хайвонларнинг давлат томонидан қурикланиши ва идоравий қуриқлаш устидан давлат назоратини Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси ҳузуридаги давлат биология назорати амалга оширади.

Хайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балик овлаш ҳужалигини юритиш устидан идоравий назорат тасарруфида овчилик ва балик овлаш ҳужаликлари мавжуд бўлган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Хайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балик овлаш ҳужалигини

юритиш устидан ишлаб чиқариш назорати овчилик ва балик овлаш хужалигини юритувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Хайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балик овлаш хужалигини юритиш устидан жамоатчилик назорати овчилар ва балик овловчиларнинг жамоат ташкилотлари томонидан - уларга бириктирилган ер майдонларида ва фукаролар томонидан амалга оширилади. Демак, жамоатчилик назорати-фукаролар ва жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилиб, унда хайвонот дунёси, унинг яшаш мухитини муҳофаза қилиш мақсадида олиб борилган текшириш натижалари тавсия аҳамиятига эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назоратини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари конун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилган ҳужжатларнинг материалларини (баённомалар, конунни бузишлар тугрисидаги далолатномалар), шунингдек олиб қўйилган қурол-яро?ларни ва ноқонуний овлаш ва балик овлаш маҳсулотларини, жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқни бузишлар тугрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беришлари керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қуриқхоналар сонини ошириш, хайвонлар ва ўсимликлар сонини қўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ер юзида йилдан йилга табиат бурчакларига инсон қўли етмаган ерлар камайиб бېқармоқда, яъни табиатдаги чўл, тоғ ва ўрмонларнинг асл қиёфасини қўришга иълоният бўлмаяпти. Табиатнинг асл мухитини ва унда яшаётган барча жонзотларни сақлаб қолиш учун давлат томонидан қуриқхоналар ташкил етилди. Хайвонот боғларида ҳам қўпгина хайвонларнинг турлари қўпайтирилмоқда.

**АРХИТЕКТУРАВІЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Жамоат бинолари ва унинг мажмуалари сунъий яратилган мухит бўлиб, бир ёки бир нечта жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлган инсоннинг ҳаётий фаолиятини ўтказишга мулжалланган. Жамоат бино ва иншоотларининг асосий омили унинг ҳажмий режалаштириши асосини инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида жамиятга хизмат килишга еришишдан иборат. Шунинг учун ҳам жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда трли хилдаги комплекс омиллари хисобга олиш керак бўлади. Булар: ижтимоий, шаҳарсозлик, табиий – иклимий, миллий - маиший, конструктив, физик - техникавий, иктисодий, архитектуравий – бадиий ва бошқалар.

Асосий омил еса, унинг инсонга хизматидир. Хайвонот боғи шулар жумласидандир. Хайвонот боғи Самарканд шаҳрининг Хисрав массивида жойлашган. Унинг майдони 5,4 га ни ташкил этади. Енига 800 метр, бўйига 680 ьетрни ташкил этади. Асосий дарвозанинг узунлиги 14 метр. Хайвонот боғининг таркибига куйидагилар киради: марказий кириш, мамурий бино, ёш натаралистлар, террариум, тимсохлар, тўтилар, итсимонлар, кичик мушқлар, коплонлар, ягуарлар, йўлбарслар, шерлар, айиклар, зебралар, отлар, кенгуралар, кийиклар, маймунлар, охулар, такалар, филлар, бизонлар. Тог ечкилари, туялар, ламалар, туёклилар, туякушлар, кирговулар, сувда сузувчи кушлар, йирткич кушдар, сув хавзаси, питомник, тропик ўсимликлар, кишки хона кушлар учун, ўйингоҳ, ошхона, теле - бишка, хашоратлар.

К - Канал

С – Санузел



ТП – Транспорматор Пункти

В – Витеринар кисм

Х – хўжалик майдон

К – кўшимча дарвозалар

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Архитектуравий ишчилар биноси, лаборатория биноси ва бошқалари киради. Маъмурий биносининг хоналари таркибига кириш зали, котиб хонаси, бухгалтерия, дам олиш чонаси, ишчилар хонаси ва бошқалар киради. Витеренария биносида хайвонлар жарохатланган ёки касалланган бўлса тибий ёрдам кўрсатилади. Техник биносида асосан Даргом дарёсидан келаётган сувни тозалайди, чунки сувга чикинди сувлари тушади.

Хайвонот богининг коструксияси.

Кириш кисмига бетондан килинган

филлар, унинг устида темир бетондан килинган, колипдан ясалган дарахтлар темир бетон коришмасидан тайёрланган. Деворлари табиий тош, гишт, симент, шагал. Асосан элементлар тош, ришотка, скамейка, кум, ёгоч, чироклар, декоратив ўсимликлар, дарахтлар ва бошқа нарсалардан фойдаланилган.



БАДИЙ ҚИСМИ

Хайвонот олами табиатнинг бизга инъом этган бебахо бойликларидан биридир. У табиийлиги билан атроф мухитнинг курки хисобланибгина колмай балки иктисодий-моддий эҳтиёжларни кондиришда ҳам мухим урин тутади.

Ер куррасида хозирги вақтда 670 минг (шундан 1,5 миллион хайвон турлари мавжуд булиб, уларнинг 98 % учун куриклик ва 7 % и учун сув яшаш мухити хисобланади. Турларнинг ҳосил булиши ва уларнинг йуқолиб кетиши сабаби еволютсион тараккиёт жараёни булиб , ерда геологик шароитларнинг узгаришига ҳам боғлиқдир. Аммо одам келиб чиқиши натижасида бу табиий жараён бузила бошлади, хайвонлар антропоген тасирлари оқибатида йуқолиб бориши жараёни тезлаша бошлади.

Турларнинг қирилиши қадим замонлардан бошланган еди. Ўн минглар илгари овчилар томонидан мамонтлар, қалин жунли қарқидонлар, гигант бугилар, гор арслони ва айиқлари, урта асрларда Еврапа тури, Стеллар сивири қирилиб кетди. Хозир биз яшаб турган даврда турларнинг йуқолиб кетиш жараёни жуда жадаллик билан давом етмоқда. 1600 – йилдан 1875 – йилгача сут емизувчиларнинг 63 – тури, қушларнинг 74 тури йуқолиб кетмоқда.

Ўзбекистон хайвонот олами объектлари турларига бой булиб, у қушни республикалар хайвонот оламига ухшаш ҳамда субтропик қуринишдадир. Республикадаги сут емизувчи хайвонлар 20, қуёсимонлар 2, йиртқичлар 24, туёқлилар 8 турга мансуб. Ёнг нодир қам учрайдиган хайвонлардан бурма шохли эчки, айиқ, қоплон, қорақулоқ, қиловсин, қиртлон, қундуз, қайрон, Бухоро бугуси, устюрт қуйи, қизилқум қуйи, Бухоро қуйи республика ”қизил қитоби”га қиритилган. Ўзбекистонда қушларнинг 410 тури бор, шулардан 184 тури қумқуқлар турқумига қиради. Судралиб қурувчиларнинг 57 (турқистон ағамаси, қуқ сугур, ингичқа бармоқли юмронқозик) тури мавжуд. Жумладан, илонлар 1,8 (қахарқилар 5 та қузойнақли илон, қора илон, қул қора илони, қалқон тумшук илон) турни ташқил етади. Сув ҳавзаларида 60 га қайин турдаги қалиқлар бор.

Инсоннинг табиат имқониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал қуритилган ҳужалиқ фаолияти,-деб ёзади Президент И.А.Қаримов –ер юзида тупроқ нураши, қалиқларнинг ҳаддан ташқари қуп овланиши, тузли ёмқирлар, атмосфера ифлосланиши азон қатлами бузилишига олиб келди.

Ўзбекистон табиати жуда бой булиб, эндиликда экологик фаунистик сабаблар оқибатида қупгина хайвонот дунёси объектлари йуқолиб бормоқда ва шу сабабли “Қизил қитоб”га қиритилмоқда. Хусусан, бугунги қунда 60 га қайин хайвонот дунёси объектлари йуқолиш арафасида. Ўзбекистон фаунасида умуртқасиз хайвонларнинг 677 тури (сут емизувчилар -118, қушлар -432, судралиб қурувчилар - 58, амфибиялар - 2)

Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш ва уни бартараф етиш борасида қатор илмий ишлаб қикилган ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, хайвонот оламини муҳофаза қилиш тадбирларини асослашга қаратилган илмий тадқиқотларни ташқил етиш қерак. Бу тартибда хайвонот оламини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруратини яна шу билан изохлаш мумқинки, хайвонот оламидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда "табиий-илмий, ишлаб-қикариш-ташқилий, техникавий тавсияларнинг ўрни



канчалик катта бўлмасин, уларнинг бажарилиши барча давлат идоралари,

корхона, муассаса, ташкилот мансабдор шахслари ва фукаролар учун ҳукукий нормаларда мустаҳкамлангандан кейингина мажбурий характерга эга бўлади. Акс ҳолда бу тавсиялар бажарилмасдан қолиб кетиши мумкин" 1 деб эътироф этади.

Шу сабабли “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тугрисида”ги қонунда ҳукукий нормалар ишлаб чиқилган ва бажарилиши умуммажбурий қилиб белгиланган. Чунончи, биринчидан: Хайвонот оламини муҳофаза қилиш; иккинчидан: Хайвонот олами объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш; учинчидан; Хайвонот оламини фойдаланишда чеклашлар белгилаш; туртинчидан: Хайвонот оламини ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибни бошқача бузилишларнинг олдини олиш; бешинчидан: Хайвонларнинг яшаш муҳити, уларнинг урчиши шарт шароитлари ва қўчиб юриш йўллари муҳофаза қилинишини ташкил этиш; олтинчидан: ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида хайвонлар нобуд бўлишининг олдини олиш; еттинчидан: алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш; саккизинчидан: қамёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган хайвон турларини тутқинликда урчитиш; туккизинчидан:

Хайвонлар қасалликка қалинганда, уларнинг табиий оқатлар ва бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлиши хавфи тугилганда уларга ёрдам бериш.

Хайвонот оламини
муҳофаза қилиш деганда
хар бир фуқаро ёки

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

фукаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл фукароларининг хайвонот олами объектларини асраш ва "Кизил китоб"га киритилган ёввойи хайвонларнинг

камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларини ўзининг онглилик даражасига кўра уни келажак авлодга етказишни бурч деб билиши ва химоя этишидир. Демак, хайвонот олами объектларини муҳофаза қилишда ва табиатни асрашдаги маъсуллик ва маданиятнинг ўрни нихоятда катта ва алоҳида аҳамият касб этади.

Мен лойихалаётган хайвонот боғи қуйидагиларни ўз ичига олади: логотип, эмблема, пиктограмма ва реклама қурилмаси.

Логотип. Логотип корхона ёки аҳолии томошо жойларига йўл ёқаларига ўрнатилади. Мен яратган логотипнинг кўринишини яшил ранг. Логотипнинг зоо сўзининг о харфининг ичига хайвоннинг панжасини



қўйдим.

Эмблема.

Хайвонот боғининг асосий булғиси ҳисобланади.

Кўриниши
логотипнинг устки қисмига филнинг стилизатсиясини жойлаштирдим. Харфларнинг пастки қисмига САМАРҚАНД деб ёздим. Бу логотипнинг кизикарли кўрсатади.



Реклама қурилмаси. Қурилма қилинаётган лойиҳанинг асосий элементларидан бири. Йўлда келаятган одам қурилмага қараб бу ерда нима жойлашганини билиши керак. Рекламанинг кўриниши кизикарли форма топишга ҳаракат қилдим. Рекламанинг устки қисмига эмблемани

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

кўйдим. Рекламанинг ўзига кенгурунинг
риктограмма курилишини тасвирладим.

Визитка. Визитканинг вазифаси аҳолига, тўғри
манзилни курсатишдан иборат. Визитканинг
таркибида логотип, эмблема, интернет
малумотлари, телефон номер ва кайерда
жойлашгани курсатилади.



**ҲАЁТӢЙ ҒАОЛИЯТ
ҲАВҒСИЗЛИГИ
ҚИСМИ**

Диплом лойиҳа иши “Самарқанд шаҳри учун ҳайвонот боғи лойиҳаси” мавзусида бўлиб, унда боғининг меъморий ландшафт дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом лойиҳа ишида Самарқанд шаҳрида ҳайвонот боғи лойиҳаси ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда инсонларни хавфсизлигини таъминлаш, электир хавфсизлиги ошириш ва ёғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўрганиб чиқилиб хиёбоннинг функциявий ландшафт-дизайн ечими кўриб чиқилган.

Объект Самарқанд шаҳрининг Хишрав массивида жойлашган бўлиб, ҳаво хавзасига нисбатан кам ифлосланган, экологик тоза ҳудудда жойлашган. Бинонинг шарқ тамонида аҳоли турар жойлари, шимол томонидан автомобил транспорт йўллари, жануб томонидан боғлар ва ғарб томонида маҳаллий аҳамиятга эга автомобил йўли жойлашган.

Регионнинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера ҳавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Меъморий-ландшафт ечимида шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши ва ёғингарчилик вақтида сувларнинг кетиш йўли, ҳавонинг исиб кетиши, ҳавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, ҳавонинг тезлиги энг муҳим ўринни эгаллайди.

Қуйида янги ҳайвонот боғи учун меъёрий лойиҳасини тайёрлашда ишлатилган климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффицент	A		200
Ер рельефининг коэффиценти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{и}$	° C	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{с}$	° C	- 3
Шамол тезлиги, 5% такрорланувчанликда аниқ бўлган	U^C	м/с	6
Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	$W_{ср}$	м/с	2,0
Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3
	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	%	7
	ЖҒ	%	5
	Ғ	%	10
	ШҒ	%	6



Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, зилзилага ва санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратилади. туриб истеъмол қилиш қатъиян маън этилади.

ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА РАНГЛАРНИ ТАЪСИРИ

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзни камаштирмайдиган рангда бўяш, ёритиш, мусиқа, безаш - толиқишнинг олдини олишда, рухий физиологик йуналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларини яшил рангга буяш мақсадга мувофиқ, чунки, бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам, тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарни ускуналарини буяш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил ва сариқ ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни, созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб инсон организми ҳимоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Буёқлардан, шунингдек, ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари,

цехдаги жумроқлар ва бошқа ускуналарни тиниқ рангларга буяш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис тарқалиши, цехнинг ички томонларини бадиий безатиш, чиройли ва қулай иш кийими толиқишнинг олдини олади. Меҳнатнинг тиббий шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Чанг, газ, шовқин ва тебранишларни камайитиш, меъёрий микроклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбга алоқадор ва касбга алоқаси бўлмаган касалликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилиятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шароит ҳисобланади

СЕЛ ХАВФИ ВА СУВ ТОШҚИНИ ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ

Самарқанд шахрининг Хишрав массивида жойлашган хайвонот боғи сел ва сув тошқини бўлганда сувни кетадиган йўли йўқ. Шунинг учун куйидаги ҳолларда аҳолини ҳаракатини ҳисобга олган маъқул.

Сув тошқини – дарё, кўл ёки бошқа сув хавзалари сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида жойнинг вақтинчалик сув остида қолиши.

Сел- тоғ дарёлари ўзанларида тўсатдан юзага келувчи, сув, тоғ жинслари бўлаклари аралашмасидан иборат лойқа ёки лой тошли оқим.

Сел хавфи ва сув тошқини бўлгангача ҳаракат

- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши мумкин бўлган жойларни билиб олинг.
- Қурилиш ишларини фақат давлат органлари рухсати билан олиб боринг.
- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши тўғрисидаги хабарни олгач, газ, электр тармоқларини ўчиринг ва қимматбаҳо буюмларнингизни хавсиз жойларга олиб чиқинг.
- Олдиндан хавфсиз жойларни ва у ерга чиқиш йўллариини белгилаб қўйинг.
- Озиқ – овқат, кийим кечак, дори дормонларни ва қутқарув воситаларини тайёрлаб қўйинг.
- Аввалдан белгилаб қўйилган йўналиш бўйича тезликда хавфсиз жой (тепалик, юқори қават, болохона, том)га чиқинг.
- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олгач, режага асосан ҳаракат қилинг.

Сел ва сув тошқини вақтидаги ҳаракат.

- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олишингиз билан аввалдан тайёрлаб қўйилган энг зарур буюмларни олиб чиқиб кетинг.
- Саросимага тушмай, олинган ахборот ва вазиятни тезда баҳолаб, қарор қабул қилгач унга биноан ҳаракат қилинг.
- Сел ва сув тошқини бўлиши мумкин бўлган хавфли майдонларни тезда тарк этинг.
- Сел оқимида тушиб қолсангиз, оқим ҳаракати бўйлаб бурқак остида кирғоққа чиқиб олишга ҳаракат қилинг.
- Гулхан ёқиб, фонар ёки оқ мато ёрдамида ҳалокат сигналини беринг.
- Сув ичида қолсангиз, устки кийим-бошларнингиз ва пойафзалингизни ечиб ташланг, атрофинигиздаги сузувчи воситалардан фойдаланинг.
- Болалар ва кексаларга ёрдам беринг.

Сел ва сув тошқинидан сўнги ҳаракат.

- Сел ва сув тошқини бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинг.
- Болаларга, кексаларга ва шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг.
- Уйингизнинг мустаҳкамлигини синчиклаб текшириб чиқинг.
- Турар жойингиз кум, тош, лойқа билан тўлиб қолган бўлса, тозалаш ишларини ўтказинг.
- Узилган ва осилиб ётган электр симларидан эҳтиёт бўлинг. Сув остида қолган жойлардаги электр таъминотини тезда ўчиринг.
- Озиқ овқат маҳсулотларинининг сифатини текшириб кўринг. Нам тортган маҳсулотларни ва ичимлик сувини тегишли санитар ишловдан ўтказмай

Ўтти ўчиришни дастлабки ўскуналари.

Ўтти ўчириш ускуналари: кўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механиқ ёки автоматик ҳаракатга келтириладиган ускуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма ускуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнгин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга мўлжалланган, ёнгинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа ускуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнгин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнгинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПП.

Ёнғинга қарши «қалқон» ва ундаги асбобларни ўрнатилиши.

Унда ёнгин хавфсизлиги
меъзонларига кўра
қуйидаги ўт ўчириш

Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинадиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

2 дона қўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;

1 дона карбонат ангидридли ўт ўчиргич;

2 тадан мисрон ва илгакли чангаклар;

2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;

2 та махсус тайёрланган конуссимон челақлар;

2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та қутида қум ва ҳ.к.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» хисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, қум солинадиган қутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.

Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суюқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюминосульфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг қуруқ ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик қувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сульфат жавҳари H_2SO_4 ёки сульфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий вазифалардан бири бу – фавқулодда вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш йўлларининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқилишидир.

Лойиҳада эвакуация режасини келтиринг

Ҳар қандай мақсадда қурилган иншоот ва бинолар(яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини муҳим жараён деб қараш зарур.

Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса–мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқиши Боғда жойлашган бино ва иншоотларда хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва қаридорлар бўйлаб юриб,

зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган фавқулдда вазиятларнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация пайтида ўзининг мустақил ҳаракатлана олиш нуқтаи-назаридан кишиларнинг ҳолати одамлар оқимини характерлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар муассасалари, касалхоналар, даволаш муассасалари, лицейлар, мактаблар, коллежлар, меҳмонхоналар ва театрларни алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини меъёрлар талаблари билан асослаш лозим. Хоналар, каватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чиқиладиган одамларнинг эҳтимол тутилган энг куп сонидан ва йул қўйиш мумкин булган чегаравий масофадан, одамлар булиши эҳтимоли булган энг узокдаги(ишчи урни) жойдан энг якин эвакуация чиқиш жойигача булган масофадан келиб чиқиб аниқланади.

Турли хизматлар учун мулжалланган ёнгин хавфи булган, ёнгинга қарши тусиклар билан ажратилган бино қисмлари мустақил эвакуация чиқиш жойларига эга булиш лозим.

Куйидагилар энг камида икки эвакуация чиқиш жойига эга булиши керак: Болалар богчалари, мактабгача муассасалар, қариялар уйлари, касалхоналар, бир вақтнинг узида 10 нафардан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган мактаб-интернатлар, ётоқ корпуслари хоналари;

- бир вақтнинг узида 15 дан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган ертула ва пастки каватлар хоналари;

- 50 дан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган хоналар;

- ишлаб чиқариш ва омбор бинолари, А ва Б тоифадаги хоналар ва иншоотлар

- ишловчиларнинг энг куп сони сменада 5 кишидан ортиқ, В тоифасида - 25 кишидан ортиқ ёки майдони 1000 м² булганда;

- ишлаб чиқариш ва омборхоналардаги курсатишга мулжалланган жихозларга хизмат очик жовонлар ва майдонлари А ва Б тоифадаги хоналар учун полнинг сатхи 100 м² дан ошиқроқ, бошка хоналар учун 400 м² дан ошиқроқ булса;

- куп каватли уйларда хонадон икки каватдан юкорида жойлашганда, юкори кават 15м дан ортиқ булса, ҳар бир кават чиқиш йулига эга булиши керак.

Куйидаги бинолар каватлари камида битта эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши лозим:

- болалар мактабгача муассасалари, қариялар ва ногиронлар уйлари, касалхоналар, мактаб-интернат ётоқ корпуслари, бекатлар, мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, урта махсус укув юртлари, касб-техника укув юртлари, олий укув юртлари, малака ошириш муассасалари;

Бино ва иншоотларда одамларни ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараённи кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнгин ёки зилзила шароитида

одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.

Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охириг қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.

Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуация иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

Учинчи поғонага одамларни юқориг қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.

Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюл ёки фойе ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

Эвакуация йўллари деб, бино ва иншоотларда хавфли ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, қисқа вақт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимига айтилади. Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги махсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.

Чиқинди ва чанг тупланишига мўлжалланган бункер остида ёнмайдиган материаллардан утиш йўллари лойиҳаланиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларини технологик лойиҳалаш меъёрларига асосан портлашга, ёнгинга қарши ва ёниш хавфсизлиги талаблари буйича қабул қилиш керак.

Бир йўналиш буйича ҳаракатланаётган кишилар оқим зичлига, ҳаракат тезлиги, ҳаракат интенсивлиги ва йўл қисмининг ўтказиш қобилияти қаби курсаткичлар билан таърифланувчи одамлар оқимини ташкил этади.

Одамлар оқими зичлиги эвакуация йўлида-майдон бирлигида жойлашувчи одамлар миқдорини ташкил этади. Катта ёшдагиларни эвакуация қилишда зичлик 10-12 одам/кв.м ни, уқувчиларни эвакуация қилишда 20-25 одам /кв.м ни ташкил этиши мумкин.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йўл туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тупланмаслиги учун ҳаракат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

-горизонтал йўл учун 15м/дақиқа

-зина орқали пастга 8м/дақиқа

-зина орқали юқорига 11 м/дақиқа

Одамлар оқими интенсивлиги, эвакуация йўлидаги 1 метр эшик орқали 1 дақиқа ичида утувчи одамлар сонини таърифлайди.

Йўл қисмининг ўтказиш қобилияти ундан вақт бирлигида ўтган одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сўнг ёнгин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга хавфли омиллари пайдо

буладиган вақтга айтилади.

Битта эвакуация чиқиш жойига эга булган хоналар учун ҳамда ҳар бир эвакуация чиқиш жойига одамлар сони 50 кишидан ошмаса ва энг узоқ иш жойидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача булган масофа 25 м дан ошмагани холда эвакуация вақти ҳисоби ишлаб чиқилмайди.


ЭЛЕКТРДАН ЖАРОҲАТЛАНГАНДА ДАСТЛАБКИ ТЕЗ ЁРДАМ

Электрдан жароҳатланган кишини дарҳол тоқнинг таъсиридан ҳалос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига ҳалақит бермаслик керак. Доим ахволидан, юрак уриши ва нафас олишидан хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса ҳидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тиқилиб, нафас йўлини тўсаётган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиклиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.

Токдан ажратиш олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб ҳалос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич (рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан тоқни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда 1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир қуруқ тоқ ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасса таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам хавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани тоқли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг қуруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиш олишингиз мумкин. Бу тадбирларни 1000 вольтдан кам бўлган кучланишли тармоқларда ишловчи ускуналарда қўллаш кўзда тутилган. 1000 вольтдан юқори кучланишли тармоқлардан жароҳатланувчиларни ажратиш учун албатта ҳалоскор қўлига диэлектрик қўлқоп (тоқ ўтказмайдиган қўлқоп) ва оёғига бўти кийган ҳолда диэлектрик штанга ёки маҳсус омбир ёрдамида кийимнинг мустаҳкам жойидан ушлаб тортиб ажратиш зарур.



Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармогидан узиб қўйиш; 4.5.6- занжир таъсиридан одамни ажратиб олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароқатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш керак бўлади. Бу тадбир одамни токдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади. Натижада жароҳатланиш даражасини енгиллатади. Ердан қўл етмайдиган даражада баландроқ жойда электр тармоғига уланиб қолган одамни, юқорида қайд қилинган тартиблардан бирини қўллаган қолда жароқатланувчи остига ердан 0,5 - 1,0 м баландликда пишиқроқ матодан ёки кенгроқ тикилган устки кийимдан фойдаланиб 2 ёки ундан ортиқ одам ёрдамида чодир тутмоқ лозим. Бунинг оқибатида токдан ажратилган кушсиз одамни ерга қаттиқ тушиб жароқатланишидан асраб қолинади.

ЕР СИЛКИНИШИ(ЗИЛЗИЛА) ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки қатламида узок вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдалиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсонни

нг муҳандислик
фаолияти билан

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи фожаи бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан пастда “мантия” қатламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин. Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жиҳозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Ер силкинишининг оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш;
- Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки, булар инсон ҳаётига хавф солади);
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш;
- Талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш;
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Шунинг учун ҳар бир корхона раҳбари ер силкиниши оқибатларини камайтиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- Ҳудуднинг сейсмик харитаси, унда зилзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;
- Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини қуриш;
- Зилзила содир бўли
- б қолган ҳолда аҳоли ўзини қандай тутиши ва ҳатти-ҳаракатлари ҳақида тушунтириш.

Зилзила рўй берганда аҳолининг ҳаракати

Зилзилага қадар бўлган ҳаракат:

1) Уйингиз ва ишхонангиздаги энг хавфсиз жойларни олдиндан аниқлаб қўйинг.

2) Энг зарур нарсаларингиз (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, дори қутиси) доимий тайёр ҳолда турсин.

3) Электр, газ ва сув тармоқлари беркитгичлари жойлашган ерни ҳамда

улардан тезликда фойдаланишни ўрганиб олинг.

4) Осма буюмларни маҳкамлаб қўйинг.

5) Оғир буюмларни иложи борида полга яқинроқ жойлаштиринг.

6) Йўлаклар ва чиқиш йўллари буюмлар билан тўсиб қўйманг.

7) Зилзила тугагандан сўнг оила аъзолари йиғилиши лозим бўлган жойни аввалдан шартлашиб олинг.

Зилзила вақтидаги ҳаракат:

1) Биринчи қаватда бўлсангиз, тезда бинодан чиқинг, юқоридан кўчиб тушаётган нарсалардан эҳтиёт бўлинг.

2) Иккинчи ва ундан юқори қаватларда аввалдан белгилаб қўйилган хавфсиз жойларни эгалланг.

3) Дераза, айвон ва печкалардан узоқроқда бўлинг.

4) Лифт ва зиналардан фойдаланманг.

5) Кўчада қулаб тушиши мумкин бўлган бино, иншоот, баланд девор, электр тармоқларидан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

6) Автомобилда кетаётган бўлсангиз, машинани тўхтатинг ва зилзила ўтиб кетмагунга қадар ташқарига чиқманг.

7) Қулаб тушиши мумкин бўлган кўприк, эстакада ва бошқа иншоотларга яқинлашманг.

Зилзиладан сўнгги ҳаракат:

1) Саросимага тушмай, хотиржамлик билан вазиятни баҳоланг, жабрланганлар ва болаларга ёрдам

беришга киришинг.

2) Сув, газ, электр тармоқлари ҳолатини текширинг.

3) Гугурт ёқманг, очик оловдан фойдаланманг.

4) Электр симлари ва уларга тегиб турган буюмлардан эҳтиёт бўлинг.

5) Ёрдамнинг зарур бўлмаса, вайроналарга яқинлашманг.

6) Шикастланган биноларга киришда ва улар ичида эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг.

7) Жабрланган ёки вайрона уюмлари остида қолган бўлсангиз, атрофдагиларнинг диққатини ўзингизга жалб қилишга ҳаракат қилинг. Асло тушкунликка тушманг, сизни албатта қутқариб олишади!

8) Телефон тармоқларини ортиқча банд қилманг.

9) Қайта силкинишларга тайёр туринг, берилаётган ахборотларни кузатиб боринг.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ҳамда сув тошқинлари ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади. Яъни диплом лойиҳасида “Самарқанд шаҳри учун хайвонот боғини лойиҳалаш” жойи, ернинг муҳандислик-геологик маълумотлари ва сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур.

ЁРИТИЛГАНЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Амалиётда иш
жойларини ёритишда уч

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

хил кўрнишдаги ёритилганликдан фойдаланилади, яъни улар табиий, сунъий ва аралашган ҳолда бўлади.

Табиий ёритилганлик куёшдан, ҳамда еру-самодан қайтаётган куёш нуридан ҳосил бўлган ёруғлик маҳсулидир.

Табиий ёруғлик иссиқлик ва ёруғлик доимийларига эга бўлиб, улар куёшдан келаётган иссиқлик учун 1317 Вт/м² га, ёруғлик учун эса 137000 лк.га тенгдир.

Табиий ёруғликнинг афзалликларн шундаки, унинг таркибида ута фойдали ультрабинафша ва инфракизил нурлари бор. Бу нурлар муҳитни соғломлаштиришга хизмат килади, яъни микробларни улдириш хусусиятига эгадир. Табиий ёрутликдан уч хил мосламалар ёрдамида, яъни томдан фонар оркали, девордан дераза оркали ва аралаш ҳолдаги тизимлардан фойдаланилади.

Табиий ёритилганлик тизимларига қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат: ёруғлик миқдорини бинонинг вазифасига қараб танланиши, йуналтирилган ёки таркок ҳолларда булишлигини таъминланиши; инсоляция ва ёруғлик меъёрларидан кам бўлмаслигини таъминланиши ва бошқалар.

Умуман ҳарқандай ёритилганликнинг асосий вазифаси иш жойларига кузатилаётган буюм ва заррачаларни улчамларини ҳисобга олган ҳолда, қуриш аъзоларининг толиқмасдан ишлаши

учун энг қулай шароитини яратишда хизмат қилишдир.

Шу нуқтаи назардан сунъий ёруғлик табиийсига нисбатан бир оз қимматга тушса-да, иш жойларини ёритиш масаласида чегараланмаган имкониятларга эга.

Сунъий ёруғлик умумий, маҳаллий ва аралаш қурилишда бўлади. Умумий ёруғлик ҳонада бир текис ёритилганликни таъминлай олади. Маҳаллий ёруғлик эса факат асосий иш жойидаги ёритилганликни меъёр талаби даражасида таъминлаш учун хизмат килади. Кузга салбий таъсир этиб, бахтсиз ходисларга сабаб бўлмаслик учун, одатда маҳаллий ёритилганлик умумийси билан биргаликда қўлланилади. Бу ҳолдаги ёритилганлик аралаш усул дейилади ва ҳоналардаги яркироклик тафовути - контрастни юмшатади ҳамда меъёр талабини тула қондира олади.

Ёритилганликни вазифасига қараб ишчи ва назорат турларидан ташқари яна фавкулотда зарур ҳолатларда хизмат қиладиган икки тури ҳам мавжуд. Уларни авария ва эвакуация ёритилганликлари дейилади.

Ишчи ёритилганликни вазифаси иш бажарилаётган жойларда ишчиларнинг иш жараёнида меҳнат буюмлари ва қуролларни қўл ларида ҳеч қандай зуриқишсиз, енгил қўла олиш имконини, яратишдан иборатдир. Бунинг учун енгил муҳитдаги иш жойини санитария талаблари ва ҳавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда яратилган СНиП II. 4-79 дан тугри фойдаланиш қўйғандир. ГОСТ 12.046-85 га асосан қўрилиш майдонларида умумий ишчи ёритилганлик 2 люксдан кам бўлмаслиги керак.

Ёритилганликни назорат тури, қиймат жиҳатидан 2 люксдан ошмаслиги керак ва у асосан тун қоронғусида бирор муҳит ёки чегарани назорат қилиб туриш учун хизмат қилади;

Ёритилганликни учинчи - авария турини захира сифатида фавкулотда асосий ишчи ёритилганлик электр тармоғи ишдан чиқиб қолганда ишни тўхтаб қолмаслигини таъминлаш учун ёки тармоқдаги таъмир ишларини тезда бажариш мақсади учун лойиҳалаштирилади. Бунда ёритилганлик миқдори

асосий ишчи ёритилганликни 10 фоизини ташкил қилиши ёки пол юзасида 1 люксдан кам булмаслиги шартдир.

Эвакуация ёритилганлиги асосан одамлар серкатнов йулакларда ва эвакуация йуллари буйлаб урнатилиш зарур. Унинг миқдори бино ичида 0.5 люксдан, ташкарида эса 0.2 люксдан кам булмаслиги керак.

Мисол тариқасида очик майдоннинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаб чиқамиз

Очик майдонни сунъий ёритиш учун зарур ёриткичлар сонини аниқлаш талаб қилинади.

Ёр сатҳини ёритиш меъёри - $E = 2$ лк; Ёритиш майдони - 50×1300 м; Прожектор тури - ПЭС-45; Лампа қуввати - $P_{\text{л}} = 1000$ Вт.

Қувватни аниқлаш усулидан, прожекторлар сонини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

$$N = \frac{P \cdot S}{P_{\text{л}}}$$

бу ерда: $D = \frac{A_i \cdot \delta \hat{E}_c}{4} = \frac{2 \cdot 1,5}{4} = 0,75 \text{ лк} / \text{м}^2$ - битта лампанинг солиштирма қуввати;

S - ёритилаётган майдон, м^2 ;

$P_{\text{л}}$ - битта лампанинг қуввати, Вт;

K_z - захира коэффиценти, 1,5...1,7;

E_n - ёритиш меъёри, 2 лк.

Зарур бўлган ёриткичлар сонини қуйидаги формуладан топамиз:

$$N = \frac{PS}{P_{\text{л}}} = \frac{0,75 \cdot 50 \times 1300}{1000} = 48,75 \approx 49$$

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

Диплом лойихасининг мавзуси Самарканд шаҳри учун хайвонот богини лойихалаш

Экология қисми бўйича

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (ҳудуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;

2. Ҳудуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

3. Ҳудуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

4. Ҳудуднинг ўсимлик ва хайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

5. Ҳудуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

7. Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;

8. Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

9. Объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;

10. Объект қурилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;

11. Объект қурилишидан сўнг ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш.

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (ҳудуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;

Лойиха қилинаётган объект хайвонот боғи қурилади.

Қурилиш майдони қуйидаги корхоналар билан чегараланган:

- шимолдан автомобил транспорт йўли

- шарқдан аҳоли турар жойи бинолари

- ғарбдан маҳаллий аҳамиятга эга автомобил йўли

- жанубдан боғ

Объектдан маълум бир масофада боғ ва аҳоли турар жойларида жойлашган.

Иқлим шароити кескин континентал иссиқ ёз ва совуқ киш ойларида иборат.

30 - 35° С, совуқ киш ойларида эса ўртача 2 - 3° С ни ташкил этади. Ёғингарчилик 350 мм, шамол ўртача 2,0 м/сек, ёналиши шарқ ва жануб.

2. Ҳудуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха қилинаётган объект жойлашадиган район Самарканд шаҳрининг Хишрав массивида ихтисослаштирилган.

Қурилиш майдонига яқин корхоналар йўқ.

Бу корхоналардан атроф-муҳитга қуйидаги ифлосланувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади:

канализатсия сувлари.

Ундан ташкари тупрок эррозияси, кимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг кимёвий ифлосланиши ернинг мелоратив ҳолати коникарли Автомобил транспортларидан қуйидаги ёкилги қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: уғлерод ва азот оксидлари.

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Қурилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 1,0-1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупрок, иккинчи қатлам катлами гил тупрок, учинчи қатлам қорбанатли қумдан иборат.

Ер ости сувлари 15 -20 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости суви қорбанатли. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

Қурилиш майдонига яқин жойдан ер устки сув хавзасидан оқиб ўтади.

4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқорги унумдор тупрок қисми шўрланмаган, қучли еррозия қузатилмаган.

Қўп йиллик ўсимликлардан мева дара

хтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар (арча, қайин, каштан) қинор, арча, қарағай, мажнунтол, терак ва бошқа дарахтлар екилади.

Қурилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикада учрайдиган қўпчилик касалликлар бўйича фойиз ҳисобида вилоят ва республикадаги қўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар бўрсилёз бўйича юқори фойизга ега. Сабаби ҳаво орқали юқиши юқори .

5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиҳа қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер ости ва ер устки сув хавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати коникарли, атроф-муҳитга салбий таъсир қўрсатадиган манбалар қузатилмади.

6. Лойиҳа ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойиҳаси бўйича Самарқанд шаҳрининг Хишрав массивида қурилиши режалаштирилган.

Объект бўйича қурилишининг асосий қисмини ландшафт егаллайди. 30% қисмини еса бинолар егаллайди.

Объект пойдевори лентали бетон плита, девори темир бетон,

том ёппа темир плита. Ер ишлари ҳажми: $W_{ер} = 5,44$ га,

монтаж ишлари $W_{мон} = 780$ м³. Қурилишга ишлатиладиган материаллар, элементлар, техникалар маркаси. Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси бетон, блок, темир бетон, ёғоч, тош, қум.

Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топади:

Қурилиш майдони ўлчамларини аниқлаш:

-Пойдеворлар учун завор қозиш;

-Пойдеворлар тағидаги заминни мустикамлаш ва текислаш;

-Бино

деворларини қўтариш ва томини ёпиш;

**Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси**

бет

- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр,сув таъминоти ва табиий газ тармокларини ўтказиш;
- Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Объектнинг умумий ер майдони $\Phi_{\text{ум}} = 5,44$ га,шундан,кўкаламзорлаштирилган майдон $\Phi_{\text{зел.н}} = 40\% \text{ м}^2$,курилиш эгаллаган майдон $\Phi_{\text{стр}} = 60.60\text{м}^2$,каттик копламали (асфалтланган,плитка ётқизилган ва х.к.)

Объект курилишида лойиха килинган ечимга алтернатив бўлган ечимни экологик нуктаи назаридан таккослаш (масалан,бино томи ёпилмаси лойихада проф.настилдан курилиши кўзда тутилган.Алтернатив вариант-шифердан.Таккослаш:проф.настил-рухланган пўлат лист зангламайди,ранглаш талаб килинмайди,енгил,монтаж ишлари анча тезлашади.Алтернатив вариант-шифер транспартировка ва монтаж вақтида кўп синади.Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор.Асбест хавфлилик тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб,атроф-муҳитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади).

7. Объект курилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар,шовкин,табиий ресурслардан фойдаланиш,каттик чиқиндилар) баҳолаш;

Объект курилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи асосий манбалар;

- фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини курилишга олиш ($\Phi_{\text{ум}}=5,44$ га);
- курилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;
- ер казиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-муҳитга кўп миқдорда зарарли ёкилги қолдиқ моддалари ва ҳар хил қанглари ташланади.Ундан ташқари транспорт воситалари шовкин манбаи.
- курилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш,сув олиш ва оқава чиқариш;
- курилишда ҳар хил кимёвий лок-буёқ моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга кўп миқдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди;
- курилиш давомида кўп миқдорда қаттик чиқиндилар (гишт синиклари,бетон қолдиқлари,курилиш буюмлари қолдилари) ҳосил бўлади.

а) фойдаланиладиган ер майдони $\Phi_{\text{сп}} = 540$

б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинadиган тоза сув миқдорлари ва оқава сувлари.

Таъмирланадиган бино томонидан сув таъминоти тармоғидан олинadиган сув асосан ичимлик-хўжалик,ёнгинни ўчириш ва ҳовли ва кўчаларни санитар ҳолатини талаб даражада сақлаш,дарахт ва кўкаламзорларни сугориш мақсадида фойдаланилади.

Фойдаланишга олинadиган сувнинг миқдорлари бу ердаги истеъмолчилар сони ва санитар асбоблари билан жихозланиш даражасига боғлиқ ва унинг меъёрий миқдорлари 1.1-жадвалда кўрсатилган.

Ичимлик суви таъмирлаш даврида “ Даргом дарёси” шаҳар сув таъминоти тармоғидан келтирилади.Курилиш тугагач бу бино ҳам шу тармоққа уланади.

Объект томонидан фойдаланишга олинadиган сувнинг қурилиш миқдорлари

1.1-жадвал

**Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси**

бет

Тартиб раками	Истеъмолчи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сув меъёри, л/сут	Сув сарфи, М³/сут
1	Ўқувчилар	киши	96	200	19,200
2	Ўқитувчи	киши	65	11,5	0,7475
3	ошхона	Шарт.овкат	200	16	3,2
4	лаборатория	асбоб	65	224	35,84
5	ишчилар	киши			0,7475
6					
	Жами	%	10		19,2
7	Кўшимча сарф				1,92
	Хаммаси				21,12

Объектв курилишига сарфланадиган сув микдорини аниклаш

4.2.-

жадвал

Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Солиштирма сув меъёри, л	Сув микдори, М³
Бетон коришмасини тайёрлаш	М³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	М³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	М³	144	150	21.6
Гишт териш ва грунтровка учун сувок коришмасини тайёрлаш	М³	210	200	42
	М³	1920	100	192
Жами				327.6
Ичимлик сув сарфи, 5 киши 200 л/сут 10 л	4 сут кун	5	200	22
Ювиниш учун сув сарфи	киши х кун	1600	25	40
Жами				64
Сув сарфининг умумий сарфи:				391.6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик кўрсаткичлар давлат стандартлари талабларига жаваб бермаса, концентрасияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга кўйиладиган талаблар. Мактабда пайдо бўладиган оковалар маиший характерда бўлиб уларнинг меърий кунлик микдори 7,7м³, йиллик микдори эса 2310м³ ни ташкил килади. Бу оковаларнинг таркиби асосан кум, муаллак моддалар ва органик бирикмаларидан ташкил топади. Уларнинг сифат кўрсаткичлари доимий эмас. Бу оковаларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллак моддалар 40 г/киши-сут,

Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

хлор бирикмаларидан 65 г/киши-сут ни ташкил илади.

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оковалар тўлик биологик усулда тозаланади. У пайитгача бу оковалар бетон ўраларда тўпланадилар ва ўралар тўлиши билан уларни туман СЭС тамонидан ажратилган майдонга Элтиб окизилади.

в) транспорт (хом-ашиёларни ташиш, ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

Ер ишларини бажаришда $=P_1 \cdot P_2 \cdot P_3 \cdot P_4 \cdot G \cdot 10^6 / 3600, \text{г/с.}$

P_1 -тўпрокнинг чангланиши фракцияси $P_1 = 0,05$

P_2 -аэрозол куринишда ўтадиган чанг фракцияси $P_2 = 0,03$

P_3 -иш зонасида шамол тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_3 = 1,0$

P_4 -тўпрок намлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_4 = 0,7$

G-ер иши микдори, т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур уй-жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ховзасига зарарли моддалар деярли чиқмайди. Бинолар пойдевори завурни казиб, инженерлик коммуникацияларини монтаж қилиш, тамирлаш пайтларида кам микдорда неорганик чанг, пайвандлаш ускунасидан – пайвандлаш аэрозоли, жумладан MnO_2 . ва кранли автомобилар ис газ, азот оксиди, курум ва ҳақозалар ҳавога ажралиб чиқиши мумкин, Бу моддаларнинг ҳавога чиқиш микдори шунчалик камки, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг микдорини камайтириш мақсадида тез-тез тўпрок намлантирилиб турилади ва техник сув ҳисобидан амалга оширилади. Масалан биноларда табиий газ ёки сувни ўтказиш пайтида энг кўпи билан 5 кг АНО – 4 маркали электрон ишлатилади ва бунинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чиқади. Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди ҳавога чиқарилади. Бундан кўриниб турибдики, бу ер ҳавони ифлослантирувчи моддаларнинг микдори санитар – экологик талабларни қаноатлантиради.

д) курилиш хом ашё материалларини ортиш-тушириш ва саклаш давомида ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддалар.

-кум, шагал-неорганик чанг

-цемент-цемент чанги

-гишт-неорганик чанг

$Q = L \times B \times g / 100, \text{т/йил}$

Бу ерда L-хом ашё материалларининг чанг кўринишида йўқотилиши фоиз ҳисобида $L = 0,21$

B-сакланаётган, ортиладиган-тушириладиган кум, шагал, цемент сарфи, т/йил

g-табиий йўқолиши меъёри, % $g = 0,15$

е) каттик чиқиндилар микдорини аниқлаш, уларни тўплаш ва зарарсизлантириш.

-Коллеж фаолияти пайтида пайдо бўладиган каттик майший чиқиндиларнинг умимий

йиллик меъёрий микдори

3,4 т ёки 17,65 м³ ни

ташкил қилади. Бу

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

чикиндилар инерт чикиндилар бўлиб, мактабнинг шимолий шаркида атрофи 1.8 м баландликдаги девор билан ўралган махсус худуди бетонлаштирилган майдонда жойлаштирилган хажми 1.2 м³ бўлган махсус металл кутиларда тўпланади ва шартнома асосида туман ободончилик корхонасига топширилади;
-курилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чикиндилар миқдори 6.1-жадвалда келтирилган.

Курилиш даврида объектда пайдо бўладиган ишлаб чиқариш каттик чикиндилари

6.1-жадвал

Тартиб рақами	Чиқиндилар	Ўлчов бирлиги	Меъёр, %	
1	гишт синкилари	Тонна	0.5	
2	Бетон ва коришма	Тонна	13	
3	Ёоч чиқиндилар	М ³	1.5	
4	Халталар	Тонна	0.6	
5	Металл чиқиндилар	Тонна	0.5	
6	Пластмасса идишлар	Тонна	1	
	Жами			
	Маиший катти чиқиндилар	Битирув малакавий иши (лойиҳаси) “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси бет		
7	Ишчилар	Киши	0.083	
8	Супринди	Кг/м ² кун	0.021	
	Жами			
	хаммаси			

8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини

таҳлил қилиш;

Объектнинг қурилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган халокатли ҳолатлар. Масалан: кум, шагал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли қурилиш материалнинг тўкилиши

Битирув малакавий иши (лойиҳаси) “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси	бет

ва бошка шунга ўхшаш ҳолатлар. Курилиш материалдарини сақлаш, ташиш ва транспорт воситаларидан кутилмаганда тўкилиши. Бу ҳолатда атроф муҳитга ката миқдорда ноорганик чанг ёки семент чанг ажралиб чиқади. Бу ҳолат вақтинча.

9. Объект курилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;

Бино курилиш атроф муҳитга таъсир этиши хавфлилик категорияси бўйича 4 – тоифага мансуб. (паст таъсир) Яъни курилатган бинода чанг ҳосил бўлади. Бино атрофини турли тўсиқлар билан ўралади. Чунки гишт, ёғоч шу каби каттик жисмлар инсон саломатлигига таъсир этиши мумкин. Атроф муҳитга баъзи бир чиқинди сувлар ташланади. Шу сабабли еҳтиёт чоралари ва техник хавфсизлик коидаларига риоя этиш зарур. Материаллардан оқилона ва тўғри фойдаланиш зарур.

10. Объект курилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;

Ер ва монтаж ишлари бажарилиши куриш материалларини ташиш, сақлаш вақтида теник хавфсизлик ва курилиш меъёрига еътибор бериш зарур. Курилиш материалларидан тўғри фойдаланиш, атроф муҳитга салбий таъсир етмайди.

Мазкур ҳайвонот боғини куриш, жихозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация килиш пайтида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- Ер ишлари олиб боришда энг замонавий казиш усули қўлланилади;
- Курилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади;
- Инженерлик коммуникация тармоқлари хизмат кўрсатиш учун

тиббий
кўрикдан ўтган, кудукда техник хизмат кўрсатиш ва техника
хавфсизлиги
коидаларига мукамал биладиган ва унга амал киладиган ёши
18 дан кам
бўлмаган ишчиларгагина р
ухсат берилади.

11. Объект курилишидан сўнг ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил килиш;

Бино таъмирланишидан сўнг курилиш билан боғлиқ ишлар тугайди. Бино атрофи ободонлаштирилади ва ҳудуднинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмайди. Майда таъмирлаш ишлари режа бўйича амалга оширилади. Атроф – муҳит кукаламзорлаштирилади. Бу еса хавони тозалашга, ҳайвонлар хидини камайтиришга, экологик яхшилашга олиб келади. Сувли ҳудудларда тозалаш ишлари олиб борилади. Сувни тозалаш учун техник тозалагич

курилмалар ўрнатилади. Канализатсия сувлари ҳайвонот боғидан ташқарига чиқариб юборилади. Экологик ҳолати яхшиланади.хавога чанг кўтарилганда, турли ўсимликлар екилганда улар хавони тозалаб беради.



**Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси**

ХУЛОСА

Самарканд шаҳри якинида «Ўзбекистон фауна ва флораси» ҳайвонот боғи яратиш

ВВС телеканалидаги «Миллий жугрофик жамияти» томонидан суратга олинган фильмларда биз ҳаёлан Африка саванналари, Жанубий Американинг утиб булмас чангалзорлари ё худ Саҳрои Кабирга саёҳат киламиз.

Шунда беихтиёр куз олдимизга юртимиз тоғ ва адирлари, сулим водийлари, дарё буйидаги тукайзорлари ва бепоён чуллари келади. У ерлардаги ҳайвонот ва усимлик оламини эсга оламиз.

Юртимиз ҳайвонот ва усимлик дунёсига кизикиш жуда қадим замондан бошланган. Жумладан юртдош бобокалонимиз Абу Райхон Беруний узининг «Китоб-Ас Сайдана-фит-тибб» номли асарида юртимизда усадиган айрим доривор усимликлар ҳақида маълумот берган.

Бошқа буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино эса узининг «Китоб ал конун фит-тибб» ва «Китоб уш шифо» китобларида ватанимизда усадиган жуда қўп доривор усимликлар ҳақида маълумот берган.

Яна бир аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур узининг улмас «Бобурнома» асарида боғларимизда усадиган ширин шакар олма, узум, анор, анжир каби меваларни мактаган. Шунингдек тоғ ва чулларимизда яшайдиган қийик, жайрон, қирғовул каби овладиган ҳайвон ва қўшлар ҳақида маълумот берган.

Дарвоқеъ шу ерда ов ҳақида икки оғиз суз. Урта асрларда ҳукмдор бобокалонларимиз ов маросимини эсга оламиз. Унда подшоҳ ва сарой аъёнлари ҳамда жуда қўп наварлар қатнашган. Хусусан жайрон ови жуда қизик бўлган. Бунда улжа подаси билан ураб олиниб қамондан уқлар узиб овлашган. Ушбу овда този итлардан ташқари бургут, қарчағай каби ов қўшлари ва ҳатто гепард каби ов ҳайвони ёрдамидан фойдаланишган. Қизиги шундаки ушбу ов ҳайвон ва қўшларини узимизнинг тоғ ва чулларимиздан тутишган. Уларни боқиш ва ургатиш учун махсус мулозим, яъни қўшбеги тайинланган. (Қейинроқ Бухоро амирлигида бош вазирни қўшбеги деб аташган).

Ушбу ов манзаралари Алишер Навоий бобомизни «Хамса» асаридаги Қамолiddин Бехзод қаламига мансуб айрим миниатюраларга акс эттирилган. («Самарканд. Регистон майдони ҳақида уйлар» мақоламини Тиллоқори мадрасаси бобини ўқинг)

Хуш бугунги кунда юртимиз Ўзбекистоннинг фауна (ҳайвонот) ва флора (усимлик) дунёси қай аҳволда. Афсуски замонавий ов қўроллари ишлатиш ва янги ерларни ўзлаштириш туфайли жуда қўп ҳайвон ва усимликларимиз йўқ бўлиб қетган. Жумладан турон йўлбарси, гепард, қўлон ва

**Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси**

айрим усимликлар бутунлай йук булиб кетган.

Кор коплони-ирбис, туркистон айиги, жайрон, айрим куш ва балик турлари хамда айрим усимликлар йуколиш арафасида булиб жахон ва Узбекистон «Кизил китоб» идан жой олган.

Шунга карамай ватанимизнинг тог ва адир, тукай ва чулларида сут эмизувчи хайвонларни 97 тури, кушларни 410 тури, судралиб юрувчиларни 57 тури ва жуда куп балик турлари яшайди. Тог ва чулларимизда бури, тулки, чиябури, айик каби хайвонлар лочин, бургут каби кушлар борлигидан хабаримиз бор.

Лекин кор коплони, силовсин, куница(мушукдан каттарок йирткич хайвон) каби йирткич хайвонлар борлигини купчилик билмаса керак. Биргина жуфт туёкли утхур хайвонлардан Бухоро бугуси, Бухоро ёвойи куйи, тог эчкиси, бурамашох эчки ва хатто жайрон, сайгак каби антилопалар хамда ёвойи чучка бор. Отсимон хайвонлардан ёвойи Преживалск оти ва ёвойи эшак-кулон учрайди.



Кор коплони-ирбис

Эътибор беринглар хужалигимизда фойдаланадиган уй хайвонларини купчилигини ёвойи кондошлари хам юртимизда учрайди.

Чулларимизда захарли кобра илони борлигини айримлар билади лекин узунлиги 1.5 метр булган эчкиэмарничи? Амударёе ва Сирдарёега учрайдиган килкуйрук балиги биздан бошка факат Шимолий Американи Миссисипи дарёесидагина учраши бутун дунёе олимларини хайратга солган.

Усимликлар дунёсини 120 оилага мансуб 3700 тури усади. Солиштириш учун Олтойда 1787 тур, Россиянинг Узок Шаркида 1966 тур ва хатто субтропик яриморол Кримда 2000 тур усимлик учрайди. Тогларимизда арча, терак, кайрагоч каби мевасиз дарахлардан ташкари ёвойи холда усадиган олма, дулана, урик ,тут, нок, ёнгок ва хатто анор, анжир, хурмо каби субтропик яна малина, ежевика, туркистон ертути каби совук улкаларга хос мевали дарахт ва бутталаримиз хам бор.



Юкорида эътибор берган булсангиз узимиздаги уй хайвонларини купчилигини ёвойи турдошлари табиатимизга борлиги хакида гапирган эдик. Бу хол мевали дарахтларимиз мисолида яна кайтарилиши жуда хайратланарли. Тогларимизда учрайдиган ёвойи турдоши йук булган мевали дарахтларни узи йук десак хам булади. Бу хол дунёнинг бошка хеч бир бурчагида учрамаса керак.

Яна лола, анзур пиёзи, ревож ва бошка доривор усимликларга хам жуда боймиз.

Юртимизда табиатни саклаш ва купайтириш учун ҳукуматимиз ва президентимиз томонидан жуда куп ишлар килинди. Био хилма хилликни саклаш хакида жуда куп конунлар кабул килинди. Чоткол тог урмон биосфера курикхонаси, Зомин тог урмон курикхонаси, Нурота тог ёнгок –мева курикхонаси, Жиззах халк боги, Зарафшон курикхонаси каби курикхоналар кенгайтирилди ва янги курикхоналар барпо этилди.

Шулардан хусусан Бухоро вилоятидаги «Жайрон экологик маркази» да килинаётган ишлар тахсинга жуда лойик. У ерда асосан туёкли хайвонларни, хусусан жайронни купайтириш учун жуда куп ишлар килинипти. Бундан ташкари утган асрнинг урталарида йук булиб кетган ёвойи йирик мушук гепардни кайта тиклаш учун илмий изланишлар олиб бориляпти. Яна бу ерда шу ландшафтга тегишли усимлик турлари хам курикланади ва купайтирилади. Лекин бу ажойиб масканда иклим шароити туфайли тог ва адир хайвонот ва усимликларини купайтириш имкониятлари чекланган.

Шуларни ҳисобга олиб мен Самарканд шаҳрини шундоқкина бикинида жойлашган Заравшон курикхонаси қошида «Ўзбекистон фауна ва флораси» боғини ташкил килишни таклиф киламан. Бу жой учун Зарафшон курикхонасини сайлашимга сабаб биринчидан хар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюрадиган шаҳримизга жуда яқинлиги. Лекин асосийси бу эмас.



Юртимизда тог, тукай

Битирув малакавий иши (лойихаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

ва чул куриқхоналари мавжуд. Самарканд шаҳри ва шаҳар атрофи жумладан Зарафшон куриқхонаси- тоғ, дарёё буйи ва чул табиатини узиға мужассам қилган ажойиб универсал маскан ҳисобланади.(Бу тугрида батафсил маълумотни «Самарканд боготлари. Самарканд шаҳри атрофидаги бог-роғларни қайта тиклаш мумкинми?» мақоламдан олишларингиз мумкин)

Ушбу бог қандай қуринишда бўлиши керак?

Дунёё практикасида ҳайвонот боғи ва ботаника боғи алоҳида-алоҳида учрайди.

Жумладан пойтахтимиз Тошкентда ёнма-ён жойлашган замонавий ҳайвонот ва ботаника боғлари бор. Лекин тақлиф этилаётган бог факат юртимизда учрайдиган ҳайвон ва усимликлар учун мулжалланганлиги ишни анча осонлаштиради. Бунда алоҳида сунъий иқлим шароити яратишга ҳожат йук.

Шунинг учун ҳам ҳайвон ва ҳам усимликлар учун ягона фауна ва флора боғи яратиш мақсадга мувофиқ.

Шаҳримизга ташриф буюрадиган сайёҳлар тарихий обидаларимиз, урф одатларимиз ва бошқалардан ташқари юртимиз табиатига қизиқиши турган гап. Шунда ушбу богга ташриф буюрадиган меҳмонлар узларини табиат қўйнига ҳис қилиб, бира-тула ҳам усимлик ва ҳам ҳайвонот дунёёмиз билан танишишади.

Ушбу богда юртимизда учрайдиган барча ёвойи сўт эмизувчи ҳайвонлар, қўшлар, судралиб юрувчилар ва балиқлар бўлиши керак.

Усимликлардан биринчи навбатда узимизда учрайдиган, азалдан экиб қелинаётган маданий ва ҳамда ёвойи, меваги ва меvasиз- дарахтлар бўлиши керак. Бу гап утсимон доривор усимликларга ҳам тегишли албатта.

Доривор усимликлардан ташқари барча усимликларни худди табиат қўйнидаги сингари аралаш ҳолда устириш керак. Доривор усимликлар учун алоҳида жой ажратилиб уларни лотинча, узбекча, русча, инглизча номлари махсус тахтачаларда ёзиб қўйилиши керак.

Ҳайвонлар учун ҳам иложи бориша худди табиат қўйнида юрганидек шароит яратиш керак. Юқорида қўрсатилганидек бунинг учун алоҳида иқлим шароити талаб этилмаслиги бу ишни осонлаштиради.

Богга қўшимча экзотик тўс бериш учун атрофи баланд паҳса девор билан урилиб, қиришга ёғоч уймақор дарвозаси бўлиши керак. Бог ичида оқар сўв тармоқлари, сунъий орол ,сўв қикариш қархпалаги бўлиши керак.Шу уринда яна бир тақлиф . Иложи бўлса богнинг қилват жойларида баланд терақлар экиб, у ерда лайлақлар уз ҳоли билан уя қуришлари учун шароит яратиш керак.

Бундан ташқари богнинг ҳушманзара жойларида ё яқин ташқарисида, атрофида терақ ва қайрағочлар эқилган, супа ҳамда ёғоч қаравотлар яна сўл – сўллар қўйилган ҳовузлар қуриш керак. Ҳовуз бетондан `ё мармартошдан бўлиши шарт эмас, бу унинг сайёҳларни қизиктирадиган экзотик қуринишини бузади. Агар сўв отадиган трубалари мутлақо қуринмаса фавворалар қуриш мумкин.

Ушбу ҳовуз олдида ошқона, сомсақона, новвойқона, тандир қабил миллий таомлар тайёрланадиган жой бўлиши кераклигини узингиз

сезгандирсиз. Ушбу иморатлар Шарк меъморчилик анъаналарига катъий риоя килинган холда курилиши керак.

Ушбу жойда хизмат курсатадиганлар яхши овкат пиширишларидан ташкари маданиятли хеч булмаса узбек тилидан ташкари рус ва инглиз тилларини биладиган кишилар булишлари керак. Бу гап айникса сайёхларга бевосита хизмат курсатадиган кишиларга тегишли. Яна улар миллий кийимда булишлари шарт.

Яна бу ерда нималар килиш мумкинлиги хакида Сиз азиз укувчилар фикри хам инобатга олинади.

Хуш Аллохдан ният килинган Самарканд якинидаги «Узбекистон фауна ва флораси» боги юртдошларимиз учун кандай ахамиятга эга.

Биринчидан шаҳар ва шаҳар атрофи экологияси яхшиланади. Иккинчидан йуколиб бораётган усимлик ва хайвон турларини саклаш ва купайтириш имконияти яратилади.

Яна ёшларимизни табиатни асраш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизга ёрдам беради.

Энг мухими шахримизга ташриф буюрадиган сайёхлар сони ошиб ёшларимиз иш билан таъминланади. Колаверса юртдошларимиз ва юртимиз меҳмонлари учун ажойиб дам олиш маскани буларди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент, 1992-йил.
2. Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001-йил.
3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1993-йил.
4. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1996-йил.
5. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари. К М ва К 02.04.01.-97. Бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997-йил.
6. Турар жой ва биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари Х.М. Убайдуллаев Тошкент - 2009
7. Шукуров Ғ.Ш. Бобоев С.М. АРХИТЕКТУРА ФИЗИКАСИ. 1-қисм. Қурилиш иссиқлик физикаси. Тошкент. "Меҳнат", 2005 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони **"Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"**. 8 май 2003 й. "Халқ сўзи" газетаси, № 99 (3211), Тошкент, 2003 й.
9. **Шерешевский И.А. КОНСТРУИРОВАНИЕ ГРАЖДАНСКИХ ЗДАНИЙ.** Учеб. пособие для студентов строительных специальностей. – Москва. «Архитектура-С», 2007 г.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. www.ziyounet.uz
2. google.ru
3. Google.uz
4. www.umail.uz